

## СУРХОНДАРЁ ОНОМАСТИК САТҲИДА ТЕОТОПОНИМЛАР

Турдикулов Шерзод Думинович

Термиз давлат университети

Ўзбек тилшунослиги

кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Сурхондарё ономастик сатҳ бирликларининг лингвомаданий талқинига доир айрим қарашлар таҳлил қилинган, жумладан, **Мурчбобо мақбараси**, Зулкифл мақбараси, Хўжамайхона сингари теотопонимларнинг миллат маданияти ва тарихий тажрибасига доир ахборотни сақловчи унсурлар эканини тасдиқловчи мулоҳазалар юритилади. Ономастик бирликларнинг этномаданий аҳамияти олам топонимик манзарасига алоқадор тадқиқотларнинг илмий долзарблигини белгилашига тааллуқли хулосалар берилади.

**Калит сўзлар:** теотопонимлар таснифи, топонимларда миллий-маданий ахборот ва тарихий тажриба ифодаси.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида топонимик номларга жамиятнинг мафкуравий ҳаётида аҳамиятли унсурлар сифатида қаралмоқда[1].

Жумладан, Сурхондарё вилоятида 15 мингга яқин топонимлар мавжуд бўлиб, шундан 1 мингга яқини антропонимлар, этнонимлар, агионимлар асосида шаклланган. Жумладан, **Мурчбобо мақбараси (Термиз ш.)**, **Ал-Ҳаким Ат-Термизий мақбараси**<sup>55</sup>, **Зулкифл мақбараси**<sup>56</sup>, **Султон Саодат**<sup>57</sup> **Абу Исо Имом**

<sup>55</sup> Тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий (9-аср-10-аср бошлари) Шарқ мамлакатларининг: Балх, Нишопур, Бағдод, Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, ўша даврнинг йирик алломалари билан илмий баҳс ва мунозараларда иштирок этади. Термизий 400 дан ортиқ асар ёзган, улардан 60га яқини бизгача етиб келган. Улар орасида Муҳаммад (сав) ҳадисларига бағишланган “Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул” (“Расулulloх хабарларини билишда нодир усуллар”), “Китоб ҳақиқат ал-одамия” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”), “Адаб ун-нафс” (“Нафс одоби”), “Китоб ул-ҳажж ва асрориҳи” (“Ҳаж ва унинг сирлари”), “Китоб ус-со-алот ва мақосидуҳо” (“Намоз ва унинг мақсадлари”), “Китоб ул-жума ал-лозим маърифатиҳо” (“Билиш лозим бўлган жумлалар”), “Хатм ул-авлиё” каби асарлари машҳур. 9-15 асрларда унинг қабри устида мақбара қурилган (ҳозирда муқаддас зиёратгоҳга айланган).

<sup>56</sup> Термиз яқинидаги 11-12-асрларга оид меъморий ёдгорлик. Қуръони каримда тилга олинган 25 пайғамбарлардан бири, 7-6 асрларда яшаб ўтган Зулкифл пайғамбар дафн этилган. Унинг қабри Ироқнинг Кифл шаҳрида жойлашган, Ғазнавийлар даврида Зулкифл қабри оролга кўчириб келтирилган ва мақбара ҳамда масжид барпо этилган.

<sup>57</sup> Термиз саййидларинг дафиналари жойлашган мақбаралар мажмуаси (IX аср). Ривоятларга кўра, Термиз саййидлари Муҳаммад пайғамбарнинг қизи биби Фотиманиннг ўғли имом Ҳусайннинг 5-авлоди бўлган Ҳасан ал-Амирга бориб тақалади. Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда ўн бир йил яшаб, тахминан 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга кўчиб келади ва шу ерда бутунлай ўрнашиб қолади. Амир Темур Ҳиндистонга қилинган юришларида доим Термиз саййидлари хонадонидида тўхтаб, 2-3 кун уларнинг меҳмони бўлган. Мажмуа мустақилликдан кейин таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

Термизий мақбараси<sup>58</sup>, Сайид Ваққос мақбарасини<sup>59</sup> бунга мисол қилиш мумкин.

**Сурхондарё лингвомаданиятига хос ономастик бирликлар орасида алоҳида ўринга эга теотопонимлар ҳосил бўлишига нисбатан қуйидаги этимологик белгиларга эга:**

1) **асоси топонимдан ҳосил бўлган теотопонимлар (Жарқўтон олов ибодатхонаси<sup>60</sup>);**

2) **асоси антропонимлардан ҳосил бўлган теотопонимлар (Мурчбобо мақбараси, Ал-Ҳаким Ат-Термизий мақбараси);**

3) асоси агионимлардан ҳосил бўлган теотопонимлар (Зулкифл мақбараси). Фанда топонимларнинг бу тоифаси яна агиотопонимлар (агио - юн. ἄγιος “авлиё”, “пок” маъносида) деб ҳам юритилади.

Теотопонимларнинг бир гуруҳи жой номи семантикасига эга махсус индикаторлар орқали берилса, уларнинг бир тоифаси жой маъносини ифодаловчи форс-тожикча хона аффиксоидлари орқали берилади (Масалан, Омонхона, Хўжамайхона каби) Хусусан, Хўжамайхона – дара. Бойсун туманида жойлашган дара номи бўлиб, бу жой маҳаллий аҳоли ва зиёратчилар наздида илоҳий деб қаралган, муқаддас жой деб эъзозланадиган объект ҳисобланади. Маҳаллий аҳолининг фикрларига кўра “хўжаларнинг май хонаси” (май ичадиган) деган маънони англатади. Хўжамайхона дарасининг пайдо бўлиши Хўжамўйинота исми билан ҳам боғланади. Хўжалардан бўлган авлиё зот киши бўлган. Мўйин атамаси мўй - “соқол, тук” маъноларини беради. Хўжамўйинота Амир Темур Ҳазратларининг пирларидан бири бўлган. Тарихий воқеликнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур бобомиз мана ҳудудларда яшовчи Ҳазрат Султон Валий ёки Султони Саодат каби пирларидан дуо олиб турганлиги маълум. Шу асосда Хўжамўйинотадан ҳам дуолар олиб турганлиги ҳақиқатга яқин. Маҳаллий аҳоли вакиллари бу жойни муқаддас деб билишади ва тез-тез зиёрат қилиб туришади. Жонликлар сўйишади, Қуръон тиловат қилишади. Бугунги кунда бу қадамжой маҳаллий ва келувчи туристларнинг ҳам муҳим зиёратгоҳига айланган. Бу каби теотопонимлар Омонхона ота, Хўжаипок ота,

<sup>58</sup> Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Султамий Бугий Термизий (824-892) дафн этилган мақбара (ҳозирги Шеробод тумани Буғ қишлоғи).

<sup>59</sup> Аҳмад ибн Абу Саъид Ваққос Термизийнинг Шеробод тумани Буғ қишлоғи яқинидаги мақбараси.

<sup>60</sup> Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги энг қадимги олов ибодатхонаси. Унда доира шаклидаги 6 саждагоҳ, 5 муқаддас кудук, табаррук ашёлар сақланадиган махсус хона ва хўжалик хоналари бўлган. Ибодатхона марказида катта супа (очиқ платформа) бўлиб, унинг марказида чор минор қолдиклари ва катта саждагоҳ топилган. Кохинлар яшайдиган супали хоналар, муқаддас олов ва кул сақланадиган оташгоҳлар, муқаддас ичимлик (саома-хаома) тайёрланадиган хоналар очилган. Жарқўтон оташкадасидан афсонавий қуш Геруда – Ҳумо тасвирланган идиш топилган.

Шакарлиота, Ғўримулоқ, Гидроузел каби объектларда ҳам мавжуд бўлиб, ушбу теотопонимлар гидротопонимлар асосида пайдо бўлган.

Антропонимлар асосида шаклланган теотопонимларнинг ўзи ҳам бир неча таснифий гуруҳни ўз ичига олади. Булар:

1) реал шахс номидан ясалган теотопонимлар (Абу Исо Имом Термизий мақбараси, Саййид Ваққос мақбараси: Шеробод тум.; **Ал-Ҳаким Ат-Термизий мақбараси: Термиз тум.**);

2) афсонавий шахс номидан ясалган теотопонимлар (Хўжаидод ота – Чилламозор ота: Бойсун тум.; Етти султон, Қирқчилтон: Шеробод тум.);

3) тахаллус – псевдоним асосида ясалган теотопонимлар (Мурчбобо мақбараси: Термиз шаҳри, Узун тум.).

Теотопонимларнинг антропонимлар асосида шаклланган бир гуруҳида некроним белгилари кузатилиб, бунга мисол учун, Термиз шаҳридаги Мурчбобо тарихий обидасини келтириш мумкин.

Жумладан, Мурчбобо – зиёратгоҳ, қабристон, масжид. Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги қадимий Паттакесар маҳалласи ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ, масжид ҳисобланади.

Мурчбобо номи билан аталувчи қабристон Сурхондарё вилояти Узун туманида ҳам жойлашган. Бу икки зиёратгоҳнинг бир-бирига алоқадорлиги йўқ. Бу қабристон ҳақида сақланиб қолган ривоятларга кўра ушбу қабристоннинг Мурчбобо исмли қоровули бўлган. Мурчбободан аввалги қоровули қабристон атрофидаги барча дарахтларни кесиб, барча фаришталарни учириб юборган экан. Мурчбобо қоровул бўлганидан кейин яна дарахтлар экиб, ўстириб, фаришталарнинг келишларини кўрар экан. Кейинчалик шу қабристонга Мурчбобо номи берилган. Ҳозирги кунда Мурчбобо эккан катта тут дарахти сақланиб қолган. Мана шу тут дарахтини ҳудуд аҳолиси муқаддас деб билишади ва зиёрат қилишиб, тупроғидан бирор тери касаллиги (сўғал, яра каби) бўлса, намлаб суртишади ва шу тупроқ қуригунча, ўша касаллик яхши бўлиб кетаркан. Шу сабабли келган зиёратчилар муқаддас жой деб эъзозлашади ва чоршанба кунлари жонлиқ сўйиб, эҳсон қилишади.

Термиз шаҳридаги Мурчбобо масжид-зиёратгоҳи ҳақида ҳам турли ривоятлар сақланиб қолган. Маълумотларга кўра, самарқандлик савдогар шайх Саид Вали 1874 йилда ҳаж амалини адо этиб, кичик ёшли ўғли билан Афғонистон (Балх шаҳри) орқали ўз ватанига қайтаётиб Термизга (ҳозирги Паттакесар) келади. Паттакесар қароқчилари савдогар Саид Валининг белбоғига бойланган ҳамёнида пул бор деб уйлаб уни ва кўркувдан даҳшатга тушган ўғлини ўлдиришади. Бироқ ҳамёнда пул эмас, қора мурч уруғи бўлади. Ўғрилар мурч уруғини ташлаб юбориб, савдогар ва унинг ўғлини ўша ерга кўмишади ва

ерни текислаб қўйишади. Кейинчалик қабр устида мурч дарахти ўсиб чиқади. Карвонларга йўл кўрсатувчи, термизлик катта савдогарлардан бири бўлган Имом Алибой 1916 йилда ўз молларига омборхона қурдириш учун Саид Вали шаҳид бўлган жойни танлайди ва мурч дарахтини кестириб, қурилишни бошлайди. Қурилиш вақтида ишчилар одам суяги қолдиқлари чиқаётганлиги ҳақида хабар беради. Бу ҳолатдан Имом Алибой қўрқувдан фалаж олади ва узоқ вақт хасталик билан курашади. Охир Имом Алибой ўз ҳисобидан шайх қабри устида мақбара қурдиради, шайх қабрлари устига яна мурч дарахти ўсиб чиқади ва бу дарахт ҳозирда ҳам бор. Кейин шайх ҳазратлари Имом Алибой тушига кириб, ўзининг ким эканлигини бойга айтиб беради, бу воқеалардан кейин Имом Алибой кўп ўтмай оламдан ўтади. 1980 йилларда мақбара Шайх Тошболта Абдулҳафиз хожи томонидан қайта таъмирланган.

Кўринадики, мазкур теотопоним деб таснифланувчи ономастик бирликлар халқ лингвомаданий қадриятларининг ифодачиси сифатида чуқур ўрганилиши лозим. Зотан, инсон фаолиятининг информацион маркери ҳисобланган ономастик бирликларни антропоцентриқ жиҳатдан тафсиш келиб чиқиши ҳамини ҳам лисоний омилга боғланмаган, аксинча, экстралингвистик сабаблар билан вужудга келган географик номларни тегишли вақт оралиғида: лисоний, тарихий, ижтимоий, маданий, мифологик, психологик, этнографик билимлар кесимида таҳлил қилиш имконини беради[3].

#### АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Петешова О.В. Идеологическая антонимия как способ согласования топонимов при переименованиях географических объектов. <https://scipress.ru/philology/articles/ideologicheskaya-antonimiya-kak-sposob-soglasovaniya-toponimov-pri-pereimenovaniyakh-geograficheskikh-obektov.html>.
2. Казакова М.В. Идеологический аспект общественно-политической лексики и его отражение в словаре современного немецкого языка (на примере языка национал-социализма) // *Lingua Mobilis*. 2011. № 3. – С. 108 – 114. <https://scipress.ru/philology/articles/ideologicheskaya-antonimiya-kak-sposob-soglasovaniya-toponimov-pri-pereimenovaniyakh-geograficheskikh-obektov.html>.
3. Королёва И.А. Языковые и культурные контакты в русско-белорусском приграничье // *Актуальные проблемы приграничных районов Беларуси и Российской Федерации. Материалы Международной научно-практической конференции (Витебск, 27 мая 2011 г.)*. – Витебск, 2011. С. 261—264.